



XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING Q A R O R I

“ 28 ” ноябрь 2020 у.

Namangan shahri

74/13-06-sonli

Наманган вилоятида ташқи реклама объектларига ташқи рекламани жойлаштириш учун йиғимлар миқдорини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги “Ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 702-сон қарори ва 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Наманган вилоятида ташқи реклама объектларига (конструкцияларига) ташқи рекламани жойлаштириш учун ойлик йиғим миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари 2020 йил учун тузилган шартномалар бўйича мазкур қарор иловасига асосан тасдиқланган йиғимлар миқдорига мувофиқ қўшимча келишувлар тузилишини таъминласин.

3. Ташқи реклама объекти (конструкцияси)ларида жойлаштирилган рекламадан тушган тушумлар миқдори қуйидагича тақсимлансин:

а) 45 фоиз - ташқи реклама объекти (конструкцияси) жойлашган (ўрнатилган) туман (шаҳар) бюджетига;

б) 45 фоиз - Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитасининг бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига;

в) 10 фоиз - “Тасвирий ойна” ижодий уюшмасининг вилоят бўлимига;

4. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг ажратилган минтақаларида жойлашган ер участкаларида ва иншоотларида ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун ойлик тўловларнинг (йиғимларнинг)

60 фоизи миқдорида вилоят ҳокимлигининг молия бош бошқармаси ҳузуридаги автомобиль йўллари ривожлантириш мақсадли жамғармасига, 40 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасини ривожлантириш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилиши инobatга олинсин.

5. Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) миллий байрамлар, хорижий давлатлар раҳбарларининг давлат ташрифлари ва бошқа давлат тадбирларига оид ижтимоий рекламаларни жойлаштириш мазкур объект эгаси розилиги билан туман (шаҳар) ҳокими қарорига биноан аниқ муддати белгиланган ҳолда амалга оширилади. Бунда, тадбиркор томонидан ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқи учун тўланиши белгиланган ойлик йиғим миқдори ҳоким қарорига биноан жойлаштирилган кунларга мутаносиб равишда камайтирилади.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ, реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг 5 фоизидан кам бўлмаган ҳажмда ижтимоий рекламани ахборотни жойлаштириши шарт, бунда фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштирилган реклама тарқатувчилар ижтимоий рекламани ахборотни бепул жойлаштирилиши инobatга олинсин.

7. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ўзлари қабул қилган ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштиради.

8. Наманган вилояти ҳокимининг 2017 йил 4 ноябрдаги 793-сон ва 2019 йил 8 февралдаги 79-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклансин.

Сессия раиси



О. Маматкаримов